

Замонимиз кизик бир замон бўлди! Кунда бир закун, соатда бир хил конун чикаётибдур. Магар Николай вақтида биздан бирон ношукрлик ўтган эканким, букун Хак таоло «болшевик» деган бир тоифа махлукни бошимизга мусаллат килди... Худоё, тавба килдим. Яна ўзинг биласан. Мулк ўзингни, нима хоҳласанг килмокка кодирсан...

Кайси кун бозорга чиккан эдим. Дўкондорларнинг шўри кискон экан. Бир вақт «соликчи келаётибдур» деган сўз овоза бўлиб колди... Такур-тукур, шакур-шукур дўконлар ёпидди. Халк хар томонга пишакни кўрган сичкондек коча берди. Салла жомасини ўгирлатгон, носкадусини йўкоткон ва кавушини йитиргонларнинг сони йўк эди. Кўчаларда совук сув сотиб юрган болалар ҳам кочиби ёшириндилар. Хатто гадойлар ҳам соликдан кўркуб кочдилар.

Бу махшарасар ходисани кўруб ман ҳам «ла хавла» ўкудим. Кўнглимга ваҳима тушди. Тезрак ўзимни бир четга олдим. Энди бозорга чикишка ҳам юрагим колмади. Мумкин бўлса, бундан кейин уйгинамда беш вақт намозимни ўкуб ётай дейман...

*Эзма*

*«Машраб» журнали, 1924 йил, 1-сон*